

## **INCREASING THE ROLE OF DIRECT TAXES IN THE FORMATION OF STATE BUDGET REVENUES**

**The summary:** Abstract: The article analyzes the scientific and practical aspects of the economic nature of direct taxes, their features and role in the formation of State Budget revenues, as well as the author’s views on increasing the importance of direct taxes in the formation of the State Budget revenues.

**Key words:** State Budget revenues, direct taxes, indirect taxes, general profit tax, personal income tax.

The Concept of improving the tax policy of the Republic of Uzbekistan draws a special attention to the formation of equal tax liabilities for all businesses and the reduction of disproportions in taxation. Changes in general and simplified taxation procedures, especially in the simplified taxation regime, have a significant impact on the tax obligations of businesses.

Issues such as allocating taxes to correct and indirect taxes, their advantages and disadvantages, and giving priority to the formation of state budget revenues are still relevant in tax policy. Indirect taxes (US, Canada, Japan) are preferred in a given country (most EU countries), depending on the level of socioeconomic development of each country and the nature of the tax policy being pursued. Therefore, the best way to form the state budget revenue is to prioritize direct or indirect taxes based on the level of socio-economic development of the country.

In recent years, the formation of state budget revenues has focused on indirect taxes (more than 50% of budget revenues account for indirect taxes). In line with the sharp decline in tax rates over the years, their share in budget revenues has also declined (around 25%).

Direct taxes are aimed at taxpayers' income, property and other taxable items, generating tax liabilities that are consistent with their profitability or property status. The taxpayer will be informed about the amount of tax paid and will be able to evaluate the state's tax policy.

In order to stabilize and develop the economy of the country, it is necessary to increase the share of direct taxes in the state budget. At the same time, the increase in state budget revenues should be achieved by expanding the tax base, not by raising some tax rates.

It is advisable to partially increase the corporate income tax rate, which is the main type of direct taxes in order to reduce the incentives for companies to engage in illegal activities and to align the income tax burden with the payroll fund. This, of course, should be done in return for lowering the indirect tax rates. It is also necessary to review income tax incentives and to cancel ineffective incentives.

Due to the fact that individual entrepreneurs who have moved to the payment of general taxation do not keep accounting records, it is not possible to determine their profits in the manner prescribed for legal entities. Therefore, a simplified procedure for determining the tax base for calculating income tax should be developed.

Исаев Х.М. – ТМИ мустақил изланувчиси

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЎҒРИ (БЕВОСИТА) СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

**Аннотация:** Мақолада тўғри (бевосита) солиқларнинг иқтисодий моҳияти, хусусиятлари ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри (бевосита) солиқларнинг аҳамиятини оширишга доир муаллифнинг қарашлари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** Давлат бюджети даромадлари, тўғри (бевосита) солиқлар, эгри (билвосита) солиқлар, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

**Аннотация:** В статье проанализированы научные и практические аспекты экономической сущности прямых налогов, их особенностей и роли в формировании доходной части государственного бюджета, а также приведены авторские взгляды на повышение значимости прямых налогов в формировании доходной части государственного бюджета.

**Ключевые слова:** Доходы государственного бюджета, прямые налоги, косвенные налоги, налог на прибыль юридических лиц, налог на доходы физических лиц.

### Кириш

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юкини камайтириш ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги номутаносибликларни қисқартириш мақсадида солиқ қонунчилигига босқичма-босқич ўзгартиришлар киритилиб, солиқ амалиётига жорий этилмоқда. Натижада, солиқларнинг солиқ тўловчилар фаолиятига таъсири сезиларли даражада ўзгармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг солиқ мажбуриятларини шакллантириш ва солиққа тортишдаги номутаносибликларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди[1]. Айниқса солиққа тортишнинг умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартибларидаги, соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини белгилаш мезонидаги ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ мажбуриятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Давлат бюджети даромадларини шакллантириш жараёнида шу вақтга қадар эгри (билвосита) солиқларга устуворлик берилган бўлса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида тўғри (бевосита) солиқларга устуворлик берилмоқда. Бу ҳолат давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри (бевосита) солиқларнинг аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида таклиф-тавсиялар ишлаб

чиқиш заруратини тақазо этмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлилі**

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқларни у ёки бу белгиларига кўра гуруҳлаш орқали чуқурроқ ўрганиш масалалари иқтисодий (солиқларга доир) фикрларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Ўрта асрлардан эътиборан ҳозирги вақтга қадар ҳам солиқларни гуруҳлашга доир энг йирик қарашлардан бири – уларни иқтисодий моҳиятига кўра тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга ажратиб ўрганишдир. Иқтисодчилар К.Ҳотамов ва З.Қурбоновларнинг фикрича, “Бугунги кунда Ўзбекистонда ва халқаро амалиётда ҳам солиқлар иқтисодий моҳиятига ва характериға қараб асосан икки гуруҳга, яъни бевосита ва билвосита солиқларга бўлиб ўрганилмоқда” [2].

Аҳамиятли жиҳати шундаки, солиқларга доир тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг айримлари солиқларни иқтисодий моҳиятига кўра тўғри ва эгри солиқлар деб қўлласалар, уларнинг айримлари бевосита ва билвосита солиқлар деб номлаган.

Назаримизда, солиқларни иқтисодий моҳиятига кўра гуруҳлаганда ҳар иккала тушунча ҳам мазмун-моҳиятига, ҳам қўлланилишига кўра бир хил маънони англатгани боис, солиқларни гуруҳлаганда уларни “тўғри” ёки “бевосита” деб номлаш унчалик аҳамиятли эмас. Чунки тўғри солиқлар деганда ҳам бевосита солиқлар деганда ҳам айни бир гуруҳ солиқлар тушунилади. Масалан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва бошқалар. Бу ерда гап уларнинг турлича номланиши ҳақида бормоқда.

Солиқларга доир тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг кўпчилиги ўз тадқиқотларида тўғри ва эгри солиқлар борасида, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда уларнинг нисбатини қандай таъминлашга доир қарашларини келтирганлар.

Рус иқтисодчиси И.Гашенконинг қайд этишича, солиқларнинг иқтисодий таркиби давлатнинг ривожланиш даражасига, унинг молиявий-иқтисодий ҳолатига, ижтимоий муносабатлар шакллариға таъсир қилади. Давлат бюджетига ундирилган солиқ турларининг таркиби эволюцияси давлатнинг ривожланиш даражасини баҳолаш имконини беради. Агар солиқ тизимида билвосита солиқлар устунлик қилса, бу давлат иқтисодий жиҳатдан ривожланмаганлиғидан далолат беради. Агар солиқ тизимида тўғри солиқлар устун бўлса (биринчи навбатда, фуқароларнинг даромад солиғи), бу ҳолат давлатнинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи энг муҳим белги бўлиб хизмат қилади [3].

Иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатларда резидентлар ЯИМнинг бевосита яратувчиси сифатида қаралиб, бунда тўғри солиқларни ошириш, яъни ЯИМни яратувчиларига солиқларни оширилиши ЯИМнинг пасайишиға олиб келади деб ҳисобланади. Шу боис, тўғри солиқларни ошириш эвазига давлат бюджети даромадларини кўпайтириш ўз мантиғига эга эмаслиғи таъкидланади [4].

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан А.Жўраевнинг таъкидлашича “бозор иқтисодиёти шароитида тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи барқарор тарзда сақлаб турилиши ва ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим” [5].

Д.Даминов мамлакатимизда амал қилаётган тўғри солиққа тортиш механизмини тадқиқ этиб, тўғри солиқлар ставкаларининг камайтирилиши корхоналар даромадларини ошишига, уларнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириб, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, аксинча тўғри солиқлар ставкаларининг оширилиши корхоналарнинг молиявий имкониятларини камайишига олиб келишини билдириб ўтган [6].

А.Исламқулов ўз изланишларида бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлашга доир масалаларни тадқиқ этиб, бевосита ва билвосита солиққа тортишни оптималлаштириш, фойда ва даромадлардан солиқ ундиришни такомиллаштирган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш ва солиққа тортиладиган даромадларни кенгайтириш ҳамда бевосита солиқлар тушумининг ўсишига эришиш зарурлигини таъкидлайди [7].

Иқтисодчиларни тўғри (бевосита) солиқларга доир қарашларининг таҳлили кўсатмоқдаки, уларнинг айримлари давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри солиқларнинг устунлиги мамлакат иқтисодиётини ривожланганлигини кўрсатувчи индикатор сифатида қарасалар, айримлари тўғри солиқларни камайтирилиши солиқ тўловчилар даромадларини ошишига хизмат қилишини, тўғри солиқларни оширилиши ЯИМни камайишига олиб келишини таъкидлайдилар. Эътиборли жиҳати кўплаб тадқиқотчилар тўғри солиқларнинг моҳиятини очиб бериш учун эгри солиқларни хусусиятларига ҳам тўхтаб ўтган.


### **Таҳлил ва натижалар**

Солиқларни тўғри ва эгри солиқларга ажратиш, уларнинг ижобий жиҳатлари ва камчиликлари, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда уларнинг қайси бирига устунлик бериш каби масалалар ҳозирги давр солиқ сиёсатида ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг натижаларидан солиққа тортиш назарияси ва амалиётида муайян ютуқларга эришилган бўлсада, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва олиб борилаётган солиқ сиёсатининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қайсидир мамлакатда тўғри солиқларга устуворлик берилса (АҚШ, Канада, Япония), қайсидир мамлакатда эгри солиқларга устуворлик берилади (ЕИнинг аксарият мамлакатлари).

Шу боис, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб тўғри ёки эгри солиқларга устуворлик бериш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда эгри солиқларга устувор аҳамият қаратилди (бюджет даромадларининг 50 фоиздан ортиқ қисми эгри солиқлар ҳиссасига туғри келади). Тўғри солиқлар ставкаларининг йиллар давомида кескин

пасайтирилишига монанд равишда уларнинг бюджет даромадларидаги улуши ҳам камайиб борди (25 фоиз атрофида).



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг динамикаси [8]**

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари таркиби ва тузилишидан кўришимиз мумкинки, давлат бюджети даромадлари таркиби 4 та йирик гуруҳга бўлинади. Лекин кўпчилик назариётчи иқтисодчилар солиқларни фақатгина тўғри ва эгри солиқларга бўлиб ўрганадилар. Бунда 1-расмда келтирилган ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғини (бюджет даромадларининг 13-16 фоизи) тўғри солиқлар таркибига киритиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Тадқиқотимизда асосий эътиборни қайси солиқ турларини тўғри солиқлар таркибига киритиш ёки киритмаслик эмас, балки давлат бюджети даромадларини классификациялаш амалиётидан келиб, тўғри солиқларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини оширишга қаратдик.

1-жадвал

**Тўғри (бевосита) солиқларни давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши динамикаси [9]**

Йиллар	2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.		2019 й.	
	млрд. сум	%	млрд. сум	%	млрд. сум	%	млрд. сум	%	млрд. сум	%
<b>Давлат бюджети даромадлари, жами</b>	<b>36493,3</b>	<b>100,0</b>	<b>41043,5</b>	<b>100,0</b>	<b>49681,0</b>	<b>100,0</b>	<b>79099,1</b>	<b>100,0</b>	<b>102627,6</b>	<b>100,0</b>
<i>шундан</i>										

<b>Тўғри (бевосита) солиқлар</b>	<b>8798,4</b>	<b>24,1</b>	<b>9852,8</b>	<b>24,0</b>	<b>11539,4</b>	<b>23,2</b>	<b>15669,3</b>	<b>19,8</b>	<b>29125,5</b>	<b>28,4</b>
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1180,5	3,2	1215,1	3,0	1475,5	3,0	3502,2	4,4	15980,0	15,6
Ягона солиқ тўлови	2399,5	6,6	2956,1	7,2	3459,2	7,0	4719,6	6,0	1192,1	1,2
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3800,7	10,4	4137,4	10,1	4876,4	9,8	6422,6	8,1	11367,4	11,1
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган ҚБС	681,5	1,9	822,3	2,0	1042,8	2,1	1024,9	1,3	586,0	0,6
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	736,2	2,0	721,9	1,8	685,5	1,4	-	-	-	-

1-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, тўғри солиқлар таркиби 4 та турдаги солиқлардан иборат бўлиб (ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 2018 йилдан бекор қилинган), уларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши 2019 йилда кескин ўсмоқда. Ушбу ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш аввалида тўғри солиқларнинг моҳиятига доир фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратамиз.

Шу ўринда тўғри солиқларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга доир айрим фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиш лозим. Тўғри солиқлар солиқ тўловчиларнинг даромадлари, мол-мулклари ва бошқа солиққа тортиш объектларига қаратилиб, уларнинг даромадлилик даражаси ёки мол-мулкига монанд равишда солиқ мажбуриятларини келтириб чиқаради. Бунда солиқ тўловчи тўлаётган солиқ миқдори ҳақида маълумотга эга бўлади ва давлатнинг солиқ сиёсатига баҳо бера олади.

Тўғри солиқларнинг моҳиятини яхши тушуниш учун уларни эгри солиқлардан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Эгри солиқлар товар (иш, хизмат)лар баҳосига устама равишда белгиланиб, уларнинг баҳосини ошишига олиб келади ва истеъмолчи харид қилаётган товар (иш, хизмат)лар баҳоси таркибида бундай солиқларни тўлайдилар. Маълумки, бунда истеъмолчи товар баҳоси таркибида тўлаётган солиқ миқдори ҳақида аниқ

маълумотга эга бўлмайди. Аслида истеъмолчи учун бунинг қизиғи ҳам йўқ. Чунки, истеъмолчи қанча солиқ тўлаётганини билса ҳам товарни арзонроқ нархда сотиб олиш имконияти мавжуд эмас. Эгри солиқлар солиқ тўловчиларнинг даромадлилик даражасини эътиборга олмайди. Улар қанча кўп таркибида эгри солиқлар мавжуд товар (иш, хизмат)ларни харид қилсалар шунча миқдорда кўпроқ солиқ тўлайдилар. Шунинг учун эгри солиқлар айрим нашрларда истеъмол солиғи дейилади.

Назаримизда, солиқларнинг адолатлилигини таъминлашда тўғри солиқларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ. Лекин биз юқорида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, тўғри ёки эгри солиқларга устуворлик бериш керак деган фикр билдирган эдик. Чунки, тўғри солиқларнинг объекти ёки базаси унчалик катта бўлмаган шароитда солиқ юкининг кўпроқ қисмини тўғри солиқларга қаратилиши солиқ тўловчиларнинг солиқдан қочишга бўлган мойиллигини оширади. Маълумки, тўғри солиқларни тўловчилар тўлаётган солиғи ҳақида маълумотга эга бўладилар, яъни улар солиқ юкини тўлиқ ҳис этадилар. Шу боис, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатларда ёки ривожланаётган давлатларда тўғри солиқларга қараганда эгри солиқларга устуворлик берилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, яширин иқтисодиёт кўлами кенг бўлган давлатларда тўғри солиқлардан кўра эгри солиқларга устуворлик берилиши ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Чунки яшириб қолинган ёки ноқонуний йўллар билан топилган даромадларни тўғри солиқлар механизмида солиққа тортиш имконияти мавжуд эмас. Бундай даромадларни истеъмол жараёнида солиққа тортиш орқали эгри солиқлар воситасида солиққа тортиш имконияти мавжуд. Эгри солиқлар механизмида даромадларни қонуний ёки ноқонуний йўллар билан топилганлиги умуман аҳамиятга эга эмас.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатида ишлаб чиқаришни ва солиқ базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур” [10] лиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармонида тўғри солиқларни тубдан ислоҳ қилиш назарда тутилган [1]. Жумладан, тўғри солиқларнинг асосийлари ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи механизмида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

2019 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг асосий ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга қадар пасайтирилиши, бир нечта турдаги товарлар учун қўшимча фойда солиғининг унификация қилиниши хўжалик субъектлари ихтиёрида кўпроқ фойдани қолдириш эвазига уларнинг инвестицион фаоллигини ошишига хизмат қилди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 4 босқичли

табақалашган ставкалари ўрнига ягона 12 фоизлик ставканинг жорий этилиши ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадларидан Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалининг (8 фоиз) бекор қилиниши уларнинг реал даромадларини сезиларли даражада ошишига хизмат қилмоқда.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг дивиденд шаклида оладиган даромадларига солиқ миқдори 10 фоиздан 5 фоизга қадар пасайтирилиши тўғри солиқларнинг фискал аҳамиятини камайтириш орқали уларнинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга қаратилгандир.

2019 йил мамлакатимиз солиқ тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак, тўғри солиқларни камайтиришга қаратилган кескин ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада, юридик ва жисмоний шахслар оладиган охирги фойдаси ёки даромадидан бир марта солиқ тўлаш тартибига ўтилди. Олдинги йилларда бўлгани каби айна бир даромад ёки фойдадан икки ёки ундар ортиқ марта солиқ ундириш амалиётига чек қўйилди. Масалан, юридик шахслар фойдасидан ҳам фойда солиғи ҳам ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш. Ёки товар айланмасидан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлаш.

Тўғри солиқлар механизмида амалга оширилган ўзгаришлар натижасида уларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг ҳам ошишига олиб келди. Тўғри солиқларнинг асосий турларидан ҳисобланган “жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 4 босқичли табақалашган ставкалари ўрнига ягона 12 фоизлик ставканинг жорий этилиши ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадларидан Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалининг (8 фоиз) бекор қилиниши уларнинг реал даромадларини сезиларли даражада ошишига омил бўлди. Шу билан бирга, кўпчиликнинг мулоҳазаларига нисбатан аксинча, юқоридаги ўзгаришлар натижасида ушбу солиқнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши кескин камайиши ўрнига, аксинча ошиши кутилмоқда”[11].

Юқорида келтирилганлар солиқ тизимида амалга оширилган ўзгаришларнинг ижобий жиҳатларидир. Шунга қарамасдан, солиқ тизимидаги сўнгги ўзгаришлар ўрта бизнес шакли учун солиқ юкининг ошишига олиб келди.

Шу боис, солиқ тизимидаги ўзгаришларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини тизимли таҳлил қилган ҳолда, тегишли ўзгартиришларни амалга ошириш самарали солиқ тизимини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

### **Хулоса ва таклифлар**

Республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда сўнгги йилларга қадар эгри (билвосита) солиқларга устуворлик берилган бўлса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида тўғри (бевосита) солиқларга устуворлик берилмоқда. Натижада, 2019 йилдан эътиборан давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг улушини кескин ўсиши кузатилди. Бу ҳолат ижобий баҳоланиб, солиқлар адолатлилиқ тамойили



асосида ундирилмоқда.

Малакат иқтисодиётининг барқарорлашуви ва ривожланишига мос равишда тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги улушини ошиш тенденциясини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Бунда давлат бюджети даромадларини кўпайишини қайсидир солиқ ставкасини ошириш ҳисобига эмас, балки солиқ базасини кенгайтириш эвазига эришиш лозим.

Корхоналарнинг хуфиёна фаолиятга бўлган интилишини пасайтириш ва фойда солиғи юқини иш ҳақи фондидаги юқ билан мувофиқлаштириш мақсадида тўғри солиқларнинг асосий тури ҳисобланган юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкасини қисман ошириш мақсадга мувофиқ. Бу албатта эгри солиқлар ставкаларини пасайтириш эвазига бўлиши керак. Шунингдек, фойда солиғи бўйича имтиёزلарни қайта кўриб чиқиш ва самарасиз имтиёزلарни бекор қилиш лозим.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар бухгалтерия ҳужжатларини юритмасликлари сабабли улар фойдасини юридик шахслар учун белгиланган тартибда аниқлаш имконияти йўқ. Шу боис, улар учун фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини аниқлашнинг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқиши лозим.

Ягона солиқ тўлови ставкаларини қайта кўриб чиқиш, фаолият турлари бўйича кескин табақалашган ставкаларни оптималлаштириш, жумладан, асосий фаолият тури мулкларни ижарага бериш бўлган юридик шахслар учун ягона солиқ тўлови ставкасини пасайтириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони (<https://www.lex.uz>).

2. Ҳотамов К., Қурбонов З. Солиқлар таҳлилини такомиллаштириш масалалари. //«Biznes-Эксперт» илмий-амалий, иқтисодий ойлик журналі. : №8(92)-2015.

3. Гарашенко И.В. Развитие прямого налогообложения в налоговой системе России: теория и практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ростов-на-Дону, 2010. – стр 26-27.

4. Boqiang Lin, Zhijie Jia. Tax rate, government revenue and economic performance: A perspective of Laffer curve. China Economic Review 56 (2019). (<https://www.sciencedirect.com>).

5. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005.- 18 б.

6. Даминов Д.Ш. Ўзбекистон солиқ тизимида тўғри солиқларни ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2011. - 23 б.

7. Исламкулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми

барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазиргининг расмий сайти (<https://www.mf.uz>) маълумотлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазиргининг расмий сайти (<https://www.mf.uz>) маълумотлари.

10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018 й.

11. Сафарова Н.А. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил.